

1996-yil dekabrda chiqa boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Ўз ўрнидаги одам

Гап шундаки, уни фақат билибгина қолишмайди, унга ишонишади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ховос туманидагина эмас, балки ён атрофдаги шаҳар, туманларда ҳам тери касалликлари бўйича унинг олдига тушадигани йўқ.



3 Франция қайси йўлдан боради?

Николя Саркози наздида мазкур йўналишнинг аҳамияти шу қадар каттаки, Франция Европасиз, Европа Франциясиз яшолмайди. Шу тариқа мамлакат ташқи сиёсати ягона Европа уйи гоёси устувор ўрин тутиши баралла маълум қилинди.



4 Армонли дунё

Абдулла Қаҳҳор архивида сақланаётган суратларнинг бирида адибнинг бир-биридан ширин икки фарзандини бағрига босиб турганини кўрасиз. Бу суратни кўрган ҳар бири киши адибнинг фарзандларини севгани ва уларга меҳрибон ота бўлганига заррача ҳам шубҳа қилмайди.



HURRIYATга
обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг,
ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Президент Ислам Каримовнинг 2007 йил 30 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзусида қилган маърузасини рамзий маънода кўзгуга қиёслаш мумкин. Кўзгуда ҳамма нарса равшан акс этганидек, ушбу маърузада ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда босиб ўтган йўли, ислохотлар ва унинг бугунги кундаги самаралари аниқ далиллар асосида батафсил таҳлил этилди.

Президент аввало Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини қиёсий, фактик далиллар, статистик рақамлар асосида илмий таҳлил этиб, уни фундаментал илмий-тадқиқот предмети ва объекти сифатида яхлит тизим шаклида ўрганиш объектив зарурият эканлигини асослаб берди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ушбу йўналишда нашр этилган адабий-тадқиқот асосан публицистик "сиёсий эссе" ёки Президент асарларининг шарҳи йўналишидаги адабий-тадқиқот уларни фундаментал илмий тадқиқот асари деб бўлмасди. Бу ҳолат


ўз навбатида Ўзбекистон олимлари зиммасига мустақил тараққиёт йўлимизга бағишланган фундаментал илмий-тадқиқот асарларини ёзиш масъулиятини оқлайди.

Моҳият нуқтаи назаридан қаралганда, бизга мутлақо ёт бўлган ҳолат ва кайфиятлар Ўзбекистон келажагига маънавий таҳдид солади. Шу боисдан Президентимиз ҳар бир фуқарони мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг ижодкори, фаол субъекти бўлишга, ҳар бир нарсга ўз кўзи билан қараш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлишга, "оммавий маданият", "ахборот хуружи", "бўзғунчи ғоялар" таъсирига берилмасликка, "Ўзбекистон — менинг ватаним" деб фахр ва гурур билан яшашга чақиради.

Учинчи омил шундан иборатки, Ислам Каримов ўз маърузасида биринчи мартабада Ўзбекистоннинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини икки даврга бўлиб, илмий асослаб берди. Биринчи давр ўттиш даври деб номланиб, 1991-2000 йиллари ўз ичига олади.

Ушбу даврнинг асосий хусусиятлари сифатида, маъмурий

Кўзгуга



буйруқбозлик бошқарув тизимидан демократик бошқарув тизимига ўтиш, демократик институтлар, ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиёти, профессионал армия, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг назарий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни амалда жорий этиш назарда тутилади.

Маърузада ушбу даврда Президентлик, ҳокимлик институтларини жорий этиш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларни шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ўта мураккаб, зиддиятли, ички ва ташқи таҳдидлар кучайган, иқтисоди-

ёт издан чиққан вазиятда амалга оширилганлиги Наманган, Қўқон, Фарғона, Тошкент, Бўка, Паркент ва Ўш хунрезликлари мисолида таҳлил этилди. Иккинчи давр 2001-2007 йилларни ўз ичига олиб "фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш" даври деб номланди. Бу даврда демократик институтлар такомиллаштирилди, мулкдорларнинг синфи вужудга келди. Миллий валютани конвертацияси таъминланди (2003 й). Икки палатали парламент вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро ҳокимиятининг раҳбари эканлигини белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Президенти давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органлари, яъни ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди. Сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтири-

лиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказилиши, Президентнинг айрим ваколатларининг Сенат ва Бош вазирга берилиши, профессионал армиянинг пайдо бўлиши кабилар иккинчи даврга хос бўлган асосий хусусиятлардир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, ўтган даврларда дунёнинг сиёсий-демократик харитасида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳам-жамиятида ўзининг муносиб ва мустақил ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон давлат аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бу халқимизнинг энг улғу, энг азиз сиёсий ва ҳуқуқий қадриятидир. Ўзбекистон фуқаролари ушбу қадрият билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Президент ўз нутқида ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўйилган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлишни таъкидлаб, унинг мақсад ва йўналишларини белгилаб берди.

Шу ўринда фуқароларнинг ўртача иш ҳақи миқдорини жорий йилнинг охирига бориб 200 доллар даражасига етиши, ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш муҳим стратегик вазифа деб белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Давоми 2-бетда.

Эътироф

Фарғона вилояти марказидан анча олисда бўлган Фуқрат тумани ҳақида гап боргудек бўлса, яқин-яқингача бу атрофдаги ер-сув ва деҳқончилик аҳолини, маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини кўз олдимизга келтириб, беихтиёр хомуш тортиб қолардик. Гап шундаки...

Яшаш ва яратиш гашти

Қишлоқ ислохотлари бу жойларга кечикиб қолган аниқ қийинчилик билан қайтариб келди. Фуқратликлар ҳар қанча меҳнатдан қочмайди, заҳматқаш, янгиликка интиладиган, уйдабурон одамлар бўлишига қарамай, ҳаёт тарзининг давр тақозоси томон юз бориши секинроқ кечди. Негаки, ўша ислохотларни тезроқ ва дадил амалга оширадиган, давлат томонидан қўрсатилган амалдорликка камрабаста инсонларнинг аҳолини жўшқин жараёнга сингирди оладиган раҳбар кадрлар, етук мутахассислар етишмас эди.

Бора-бора давр талаби устун келиб, жадаллишар кузатилди. Вилоят ҳокимлигининг янги раҳбарияти қишлоқ жойлардаги сустхалликка барҳам бериш чора-тадбирларини дадил ишга сола бошлади. Фермер-деҳқончилик ҳаракатини самарали йўлга қўйиш, маҳаллий шароитда катта-кичик ишлаб-чиқариш корхоналарини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини умумий меҳнат билан банд қилиш, ободончилик ва маърифий-маънавий эҳтиёжларга ғамхўрлик каби масалалар эндиликда кун тартибига кўчди. Шу жумладан, биз қаламга олаётган Фуқрат туманида ҳам.

Бугун Фуқрат тумани қишлоқларини айланми томоша қилинг, одамлари билан гурунглашинг. Тўғри, гап орасида баъзан гап ёки ичимлик сувими, ёки дейлик, электр таъминотидаги узилтишлар ҳақида койинишлар ҳам кулоққа қалиниб қолади. Бироқ одамлар барибир: "Ўзғор кам-кўстис бўлмайди. Бўғини ҳам эглаб олимиз. Сиз, яхшиши, қишлоқимиз ҳаётига кириб келган янгиликларга боқинг", дейишади фахр билан. Ҳўш, бу янгиликлар нима?

Аввало, кимдан гап сўраманг, "БИЗ", яъни кўплик маъносига жавоб қайтариб келинг. Фуқратликларнинг яқинлиги, ҳамжиҳатлиги, ҳар қандай қувонч ташвишда ҳам ўрн қадан боти чикариб яшаш тарзи, улғу ва эзгу ниятларга биргаличиб сай-ҳаракатда бўлиш каби фазилатларини акс эттириб турибди.

Шу ёрлик Абдуллажон ота деган бир муҳтарам зот билан сўхбатимиз чоғида, у киши бу хусусиятга шундай шарҳ берди.

— Одамларни одатда уч нарса бирлаштиради. Ё ғам-мушибат, ё қувонч тантанга, ёки Ватан манфаати. Бироқ ташвишдагиси ҳам, қувончдагиси ҳам ҳеч вақт мўжиз бўлмайди. Ватан тақдирини, унинг истиклоли йўлидаги ҳамжиҳатлик ҳаммасидан кўра устуворроқ ва қўчироқдир. Чунки ҳар биримизнинг тақдиримизгина эмас, балки эртанги кунимиз ҳам, авлодларимизнинг иқболи ҳам шу ҳамжиҳатлик билан ўлланади.

Бугун фуқратлик деҳқонларнинг ўндан бири фермер бўлса, бошқалари тадбиркор, туман шон-шухратини пойдор этишгаётган соҳибкорлардир. "Давлатга пилла ва галла сотиш мажбуриятларини олти билан баҳардик. Эндики навбат — пахтага! Бунисини ҳам қойиллатамиз", — бу қатъият ва ифтихор тўғриси замирида миришор инсонларнинг ўз меҳнатлари келтирадиган самараларга эртанги куннинг мунавварлик инкишофига чўқур ишонч ётибди!

Вилоятдаги бошқа туманлар орасида нисбатан кичикроқ, мўъжазгина ана шу ҳудудда қисқа муддатдаёқ барпо этилган ва бугун тўла қувват билан ишлаб турган катта-кичик корхоналарини кўриб, беихтиёр "Бўларкан-уй" дейсиз ҳажжон билан.

Мисол учун "Ишонч" комбинатини олайлик. Мазкур очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ўзига 850 нафар ишчи-ҳодимларни бирлаштирган, уларнинг асосий кўпчилиги кечанинг тайинли бир ишга эга бўлмаган фуқратликлар бўлиб, бугун энди энг замонавий дастгоҳлар ёнида пахта толасидан минг-минглаб тонна қалава иш ишлаб чиқариштиради. Республикаимиз тўқимачилик корхоналарига ҳамда хорижий давлатларга аъло сифатли махсулотлар жўнатиштиради. Покистонлик инвестор Мухаммад Иқбол ҳамда бошқарув раиси, етук мутахассис Икромжон Ориповлар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Улар бу ерга хориждан яна янги дастгоҳлар келтирилган ва яқин орада иш қўламини бундан-да ошиши ҳақида сўзлаб беришди.

— Жамоамиз йил охиригача яна 200 нафар кишига қўлайиши қўлмоқда, — дейди Икромжон Орипов. — Бу янги иш ўринлари ҳам аввало фуқратликлар ҳисобидан тўлдирилади.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА



Тошкентда 18 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги маъруза кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, сайлов комиссияси раиси Ислам Каримовнинг маърузаси ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунини Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги маъруза кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь - декабрь ойи ўзининг ўн кунлигининг биринчи яқшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябритдан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг маърузасида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қамда олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш мумкин.

Қонунда белгилангандек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун қамда уч юз

нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тўзиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқоридида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда бўлганда 45 кун қолганда тугайди. Сайловдаги ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловдаги ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида қўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қўлай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилди. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини оқиш бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаолияти учун зарур шароит яратди.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбаси - 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябритдан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси
М. АБДУСАЛОМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 сентябрь
(ЎЗА)

Юбилей

Адиб шарафланди

Улкан хазинага эга бўлган ўзбек адабиётининг XX асрдаги тарихида Абдулла Қаҳҳорнинг тақдирларимиз ўрни бор. Адибни сўз зарғари, уйғоқ виждон, миллат жонқуяри каби сифатлар билан улғулашди. Абдулла Қаҳҳор ижоди истиклол йилларида юксак кадр топди. Юртбошимиз фармонияга биноан адиб "Буюк хизматлари учун" ордени билан мунофизланган. Шу йил 8 январда имзоланган "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президент қарори билан жойларда кўпала тадбирлар бўлиб ўтди.

Уларнинг асосий халқ ёзувчиси тутилган кун 17 сентябрга тўғри келди. Шу кун адиб хотираси ёдга олиниб, қабрига гулчамбар қўйилди, мухташам ҳайкал очилди.

Кўннинг иккинчи ярмида Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган таълимчилик кечада адибнинг илҳом мандлари томонидан билдирилган илқ сўзлар ажойиб куй-қўшиққа улашиб кетди. Байрам барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилафруз ТУРАКУЛОВА

Саёҳат

Сайёҳ велосипедчилар — Самарқандда

Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатга чиққан Канада, АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Голландия, Франция, Германия, Жанубий Африка, Янги Зеландия мамлакатларидан 55 кишидан иборат велосипедчилар гуруҳи Туркия, Озарбойжон, Гуржистон, Туркменистон республикаларидан ўтиб, 9 сентябрь кунини Бухоро шаҳрига етиб келдилар.

Мехмонлар уч кун мобайнида Бухоронинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, шаҳарнинг қадим тарихи ва бугунги Бухоро билан яқиндан танишиш олган таассуротлари хусусида велосипедчи сайёҳлар гуруҳи раҳбари, Канаданинг Онтарио штати Торонто шаҳри фуқароси жаноб Шанни Хилл журналистларга тўлқинланиб гапириб берди.

Жанубий Африка республикасида Самарқандга сайёҳлар гуруҳида келган велосипедчилардан Хестер Ду Плессис, Даниэл Нел, Робин Хаитлар қадим ва кўна Самарқанд ҳақида кўпала эшитганлиги, яқинда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивали ҳамда Самарқанднинг 2750 муносабати билан ўтказилган тадбирларни ТВ орқали томоша қилганлигини айтишди. Хорижий меҳмонлар 15 сентябрь кунини Самарқанд шаҳридан Жиззах томон йўл олдилар.

Ноябрь ойининг охиригача ўз сайёҳларини режалаштирган велосипедчилар гуруҳи 17 сентябрь кунини Ўзбекистон диёри билан хайрлашди. Тожикистон республикасининг Хўжанд шаҳрида меҳмон бўлишди. Шунингдек, Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат иштирокчилари Тожикистон, Қирғизистон ва Хитой давлатлари орқали ўтиб, ўз ватанларига қайтдилар.

У. ХУЖАНИЕЗОВ




Нигоҳ

Франция қайси йўлдан боради?

Президент Николя Саркози ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишларига оидинлик киритди

Николя Саркози Франция президенти сифатида иш бошлаганига ҳам бир неча ой ўтди. Табиийки, давлат тепасига янги раҳбар келганидан кейин унинг ташқи сиёсат борасидаги қарашлари кенг жамоатчилик эътиборида бўлади. Айниқса, Франция каби дунёда етакчи ўрин тутадиган мамлакатда юз берган ўзгариш жаҳон жамоатчилигининг яхшигина қизиқишига сабаб бўлаётган эди. Николя Саркози, ниҳоят, кўпчилики қизиқтираётган саволларга жавоб бериб, мамлакатнинг бундан буёнги ташқи сиёсатида устувор ўрин тутган жиҳатларга оидинлик киритди.



Франция раҳбари учинчи муҳим вазифа сифатида глобал исми-нинг олдини олиш, табиий ресурсларнинг тугаши муаммоси, шунингдек, турли хавфли касалликларга қарши кураш масаласини ҳам қайд этди.

Охириги йилларда жаҳон сиёсий сахнасида бекарорлик, муросасизлик кузатиляпти. Азатдан мавжуд бўлган мурося йўлининг инкор этилаётгани зиддият ва ихтилофларга сабаб бўлмоқда. Тўқнашуларни бартараф этиш учун мурося ва мувозанат сиёсатини тақлиф қилган Франция раҳбари издан чиққан тартибни сақлаш, азалий уйғунлики таъминлашда Европа интеграцияси ҳал қилувчи ўрин тутганини таъкилади.

Шу тариқа мамлакат ташқи сиёсатида ягона Европа уйғунлиги ҳақида Франция раҳбари издан чиққан тартибни сақлаш, азалий уйғунлики таъминлашда Европа интеграцияси ҳал қилувчи ўрин тутганини таъкилади.

Николя Саркози наздида мазкур йўналишнинг аҳамияти шу қадар каттаки, Франция Европа-сиёс, Европа Франциясиз яшолмайди.

Хабарингиз бор, Европанинг ягона Конституциясини қабул қилиш бўйича ҳаракатлар натижа-сиз яқун топди. Ана шундай сиёсий инқироз ҳолатида умумевропа Конституцияси ўрнига ЕИГА аъзо давлатларнинг ҳамкорлик битими имзоланди. ЕИни каттагина инқироздан сақлаб қолган ушбу битимни қабул қилишда Франция раҳ-бари ҳам асосий ташаббускорлардан бири бўлди.

Ана шу ташаббуснинг давоми сифатида Николя Саркози ЕИ ҳузурида муҳим муаммоларни муҳомама этиш учун махсус донишмандлар кенгаши

хавфсизлики мустаҳкамлаш бора-сидаги тақлифларни амалга ошириш имкони юзга келиши мумкин.

Дипломатлар ҳузуридаги чиқишда, шунингдек, Фарб ва Ислам тамаддуни ўртасидаги зиддиятчи ҳолатлар ҳам алоҳида таҳлил қилинган. Қучайиб бораётган террор хавфини камайтириш учун Афғонистондаги вазиятни яхшилашда Европа Иттифоқи фаолроқ бўлиши тавсия этилган. Агар Покистон қўшни мамлакатдаги террорга қарши курашга ёрдам бермаса, Ислмободга босим ўтказиш эҳтимоли ҳам эслатилган.

Франция раҳбари жаҳоннинг етакчи давлатларини мусулмон дунёсидаги Араб-Исроил, Лиана-Сурия каби ихтилофлар ҳамда Эрон ва Ироқ муам-

мосини бартараф этишда фаолроқ бўлишга чақирган.

Ташқи сиёсат борасидаги ўз фикрларини баён этган Николя Саркози чиқишида тақлифлар, аниқ тавсиялар асосий ўрин тутганини қўриш мумкин.

Хусусан, француз етакчиси кўп кутбл дунёдаги кескин муносабатларни мейёрга солиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафига Германия, Япо-ния, Ҳиндистон ва Бразилияни ҳам қўриш зарурлигини айтган. Шунингдек, дунё иқтисодиётидаги куч-лар мувозанатини таъмин этиш учун ривожланган давлатларнинг "Катта саккизлик" иттифоқи Ҳиндистон, Хитой, Бразилия, Мексика ва ЖАР каби иқтисодий салоҳияти юқори давлатларни қабул қилиш тавсия этилган.

НИКОЛЯ САРКОЗИ ўз чиқиши-да далил ва нисбатан кескин талабларни илгари сургани билан олдинги ҳамкасбидан фарқлардан дейиш мумкин. Масалан, Эрон муаммоси, Россиянинг ташқи сиёса-ти масалаларида Жак Ширак очик баҳодан эҳтиёткорликни афзал билган бўлса, янги президент маз-кур мавзуларда ошқор муносабат билдирди. Шу билан бирга ўтмиш-дошидан фарқи ўлароқ у АҚШ бил-лан илиқ ва яқин муносабатни ёқлади.

Николя Саркозининг ташқи сиёсат бўйича чиқишини кузатиб, бу мамлакатнинг афсонавий раҳбари Шарл де Голл илгари сурган "Буёқ Франция" ғояси билан уйғунлик борлигини сезиш мумкин.

Дараклар

Майкл Мьюкейси — АҚШ бош прокурорлигига номзод
Америка президенти Жорж Буш мамлакат бош прокурори вазифа-сига собиқ федерал судья Майкл Мьюкейси номзодини тақлиф қилди. Қўшма Штатлар қонунчилигига би-ноан эндиликда президент илгари сурган номзод Сенат томонидан маъқулланиши керак.



Майкл Мьюкейси 1987-2006 йиллар ора-лигида Нью-Йорк жану-бий округи федерал суд-ьяси лавозимда иш-лаб келган. Ушбу му-дат давомида у терро-ризм жинояти билан боғлиқ бир қатор шов-шувли жиноий иш-ларни кўриб чиққан. Эслатиб ўтамиз, АҚШ бош прокурори Альберто Гонсалес 17 сен-тябрь куни расман истеъфога чиққан эди. Кузатувчилар ушбу истеъфони мамла-кат раҳбари сиёсатига мойиллик билдири-ман бир қатор федерал прокурорларнинг ишдан бўшатилиши билан боғлиқ деб ба-ҳоланган. Бундан ташқари, Гонсалес маъ-мурияти АҚШ ва хоржқ фукарolari хақида ноқонуний равишда ахборот йиғишда ҳам айбланган.

МТС "К-Телеком"ни сотиб олди

Россиянинг йирик уали алоқа опе-ратори — МТС компанияси Армани-стондаги "К-Телеком"га тегишли бўлган акцияларнинг 80 фоизини сотиб олди ва қонуан уни бошқа-риш ҳуқуқига эга бўлди.

Мазкур шартнома 310 миллион евро-ни ташкил этди. Харид чоғида компания 140 миллион евро миқдоридида кредит ҳам аж-ратган. Ушбу маблағ қарзларни узиш ва молиявий лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ойга саёҳат учун 20 миллион доллар

Google компанияси мукофот жам-гармаси 20 миллион долларлик тан-лов эълон қилди. Ушбу мукофот Ой-дан биринчи бўлиб фотосуратлар ва видео материаллар узатган компа-нияга насиб этди.

Google талабига кўра ойдан материал-лар юборадиган машина юқори сифатли фото ва видеокамера билан жиҳозланган бўлиши керак. Мўлжал бўйича машина ой бўйлаб 400 метр масофада ҳаракат қи-лиши ва фото ҳамда видео материалларни ерга юбориши лозим. Ушбу жараён эса Google сайтида тўғридан тўғри трансля-ция қилинади.

Янги бош вазир солиқларни камайтирмоқчи


Россия ҳукуматининг янги раиси Михаил Фрадков истеъфога чиқди. Шун-дан кейин президент Владимир Путин Вик-тор Зубков номзодини илгари сурди.



12 сентябрь куни Россия бош вазири Михаил Фрадков истеъфога чиқди. Шун-дан кейин президент Владимир Путин Вик-тор Зубков номзодини илгари сурди.

Иқтисодий ўсиш кузатилмоқда

2003 йилдан бошлаб Саудия Ара-бистони иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилляпти. Бу ҳақда душан-ба куни эълон қилинган ҳисоботда маълум қилинган.



Бунга кўра, жо-рий йил давомида маҳаллий махсулот-лар ишлаб чиқариш 348,7 мил-ли ар д долларга ор т д и. Жаҳон бо-зорида нефть нархининг кескин ўсиши подшоҳлик иқти-соди ривожланиши омилли бўлган.

Саудия Арабистонининг «Ар-Ражиҳий» банки тайёрлаган ҳисоботда ҳам молия-вий ўсиш ҳолати қайд этилган. Утган йил давомида мамлакатнинг нефть махсулот-лари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 14,5 % га ошди ва 188,7 миллиард долларни таш-кил этди. Нефтни қайта ишлаш саноати билан бирга молиявий хизмат кўрсатиш ва сугурта (8,7 %), саноат (8,5 %) йўна-лишлари ҳам тараққий этган.

Утган мuddат давомида банк фаолияти ҳам ривожланган. Масалан, жорий йил-нинг июль ойида подшоҳлик банкларининг кредит ажратмиш кўрсаткичи 542,6 милли-ард риални ташкил этди. Қиёс учун ай-тиш мумкинки, жорий йил июль ойида бу рақам 532,1 миллиард риалга тўғри кел-ганди.

ХАЛҚАРО ВОКЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Савол

Кейинги йилларда ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар, янгиликлар бўляпти. Уларнинг тилимиз бойишида ҳам бекиёз хиссаси бор. Бъззан шундай бўладики, янги кириб келган айрим сўзларни тушунолмай, илгари ҳам мавжуд бўлган шунга яқин маъноли сўзлар билан фарқни ажратолмай қоламиз. Масалан, аудиторлик ҳам молиявий назорат. Лекин унинг шу турдаги бошқа назоратлардан, масалан, тафтишдан фарқи нимада?
Тулабой АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Нукус

Аудит нима? Аудитор ким?

«Аудит» сўзи латинча бўлиб, «у эшитяпти» деган маънони билдиради. Аудит — бу махсус ҳуқуқга эга бўлган мустақил шахс (аудитор) томонидан корхонанинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботини таҳлил ва эксперт қилиш ва текширишдир. Бу текшириш натижасида ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг тўғрилиги, ишонч-лилиги аниқланади ва аудитор ўз фикрини аудиторлик ҳулосасига ёзади. Эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги кўпгина хорижий дав-латларда аудит кенг тарқалган. Дип-ломли бухгалтерлар фирмалари халқаро ас-социацияси ҳозирги пайтда 4,2 миң аудитор фирмаларини бирлаштирган ва улар жаҳон-нинг 147 мамлакатда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Аудит томи маънода мустақил, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ташқи молиявий на-зоратдир.



Аудитор корхонанинг молия-вий ҳисоботини текшириш билан чеklangн қолмасдан, миқозга ҳақ эвазига молия, бухгалтерия хисоби, солиқлар, валюта муомалаларини юри-тиш, банк иши, сугурта ком-паниялари фаолияти, ташқи бозорга чиқиш ва шунга ўхшаш муҳим фаолият йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланади. Республикамаида бу соҳада маълум ишлар амалга оширилган: аудиторлик тўғрисида қонун амалга киритилди, аудиторлик назо-рати хизматларига кенг шaroитлар яратил-ди. Айниқса, қишлоқ хўжалиқ тизимидagi хўжалиқларда бу нарса яққол ўз аксини топ-моқда.

Бозор иқтисоди шароитида хусусий кор-хона эгалари, хиссадорлар назоратининг бу туридан кенг фойдаланиб, корхона фаоли-ятининг ҳолати тўғрисидаги аудиторлик ҳу-лосасини корхона ёки мулк эгаларига хисса қўлган хиссадорларга тақдим этилади. Ауди-тор ҳулосасида корхонанинг хўжалиқ фаоли-яти, молиявий ахволи ва бухгалтерия хисо-бини юритишнинг ҳолатига баҳо берилади. Шу жумладан, аудитор корхона-хўжалиқ фа-олиятининг нафақат камчиликларини, салбий томонларини аниқлаб беради, балки унинг ҳолатини яхшилаш, ҳисоб ва ҳисобот ишла-рини қонун доирасида тартибга солиш бўй-ича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиради. Ушбу масала бўйича хиссадорлар (акционер-лар) умумий йиғилиш чақириб, корхона мо-лиявий фаолиятини хабардор қилинади ва аудиторнинг тақлиф ва мулоҳазалари билан таништирилади.

Бозор иқтисодиёти муносабати билан на-зоратнинг янги шакли — аудиторлики ўр-наниш ва мулкчиликнинг ҳар хил шаклида ту-зилган иқтисодий эркин бўлган корхоналар-нинг молиявий хўжалиқ фаолиятини текши-риб борувчи аудитор фирмаларини таъзиш ҳозирги замон талабига айланади.

Урол ҲСАРОВ

ОАВ

Жамоатчилик билан алоқаларда муҳим омил

XX асрнинг сўнги XXI аср бошига келиб оммавий ахборот воситалари инсоният фикрини бошқаришга йўнал-тирилган манбага айлангани ҳеч кимга сир эмас. Миллат қадриятларини сақлаб қолиш, ёшларни миллий урф-одатларга ҳурмат руҳи-да тарбиялаш, инсониятни эзгуликка етаклаш билан бир қаторда ёвузлик, фаҳш ва ёмонликлар тарғиботи ҳам ОАВ орқали амалга ошири-лаётгани бугун бор гап. Фу-қаролар у орқали ўз шахсий ҳаётидан тортиб, сиёсатнинг олий даражадаги сахнасида кечаётган гирромликларга ҳам бўлган ахборотларга эга бўлиши мумкин. Зеро, жамия-тдаги ижтимоий қувватни парваришлаш, қучайтириш ва йўналтиришда ОАВнинг ўрни бекиёс.

Ахборот хуружи, ахборот уру-ши натижасида руй берадиган йўқотишлар, ютқизишлар ҳар қандай қиргин қуроли келтира-диган муваффақиятсизликдан ҳам аянчлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигини Президентимиз доимо такрор-лаб келади. Ҳозирги шароитда ёшлар ўртасида юқас ахборот технологияларига қизиқиш кат-та эканлигини ҳисобга олади-ган бўлсак, бу аёвсиз ахборот-лар жангида миллий сифатида келажакимиз қандай катта ва ха-тарли хавф остида қолаётгани-ни ўзимиз яққол тасаввур эти-шимиз қийин эмас. Шундай экан, давлатимиз раҳбари ай-тангидек, «Биз ўзимизнинг пи-рорвард максадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шид-дат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеа-ларнинг ортида эмас, балки унинг олдида боришимиз, ҳар қандай ноҳуш ҳаракатлар ва муаммо-ларнинг олдини олишимиз ло-зим». Демак, ахборот хуружига қарши курашнинг энг самарали усули — одамлар онгида маъ-навий бўшлиқ юзга келиши-нинг олдини олишимиз керак.

Бугунги кунда фуқаролик жа-миятини ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фуқаролик институт-лари орасида сиёсий партия-ларнинг ўрни ва аҳамияти ор-тиб бормоқда. Айниқса, улар-нинг бундай шиддатли замонда давлат ва ҳокимият бошқаруви жиловини ўз қўлларига ола би-лиши муҳим аҳамият касб эт-ди. Бунда улар ОАВ кучидан айни вақтида унумли фойдала-на олишлари ўз манфаатлари учун фойдали ҳисобланади.

Ратияга асосланган фуқаролик жамияти ва соғлом фикр ҳукм-ронлигига эришилади. Демак, сиёсий партиялар жамият рав-нақи учун матбуот билан ҳамкор-ликини изчил суратда ошириб бориши зарур. Бежиз хорижий мамлакатларда сиёсий рекла-ма компаниялари учун кўп миқ-дорда маблағ сарфлашмайди. Бизнинг жамиятимиздаги сиё-сий партияларда ҳам ОАВ бил-лан ишлаш тажрибаси мавжуд. Бироқ бу тажрибаларни янада ривожлантириш, юксалтириш бугунги замон талабидир. Ма-млакатимиздаги сиёсий партия-ларнинг марказий нашрларида бу борада анчагина амалий ҳаракатлар қилинаётганининг гувоҳимиз. Лекин маҳаллий нашрларнинг бу хусусдаги ҳара-катлари айтарли эмас.

Жумладан, Жиззах вилояти-даги марказий нашрлар бўлган «Жиззах ҳақиқати», «Жиззах ово-зи», «Джиззакская правда» га-зеталарининг 2007 йил олти ойи мобайнида чоп этилган сон-лари таҳлилимиз назар ташлайди-ган бўлсак, бунга амин бўламиз. «Жиззах ҳақиқати» газетасида УзЛиДеП фаолияти ҳақида 40-сонда «Халқ фаровонлиги йўли-да» сарлаҳали мақола берил-ган ҳолос. Худди шунингдек, Фидокорлар миллий демократик партияси («Фармон юзасидан мулоқот» 45-сон), Миллий тик-ланиш демократик партияси («Сафлар кенгаймоқда» 7-сон), «Адолат» социал демократик партияси («Давра сўхати» 20-сон) ҳақида фақатгина бир бо-радан чиқишлар бўлган. «Джиззакская правда» газета-си олти ой мuddат ичида УзЛи-ДеП фаолияти ҳақида фақатги-на бир бора «Сегодня» партия-нем жинзе» сарлаҳали мақола (15-сон) берган. Қолган партия-лар ҳақида эса гап-сўз йўқ. «Жиззах овози» газетаси ма-қолалар сони жиҳатидан юқори-даги икки нашрдан фаолроқдай. Яъни унинг саҳифаларида УзЛи-ДеП ҳақидаги «Янги имконият, янги масъулият» (6-сон), «Таф-кур бир кунда ўзгармайди» (6-сон), «Мулоқот. Партия ҳаёти» (18-сон), Халқ демократик партияси тўғрисида «Халқ де-



мократик партияси пленуми» (10-сон), «Ижтимоий ҳимоя йи-лида партия мафкураси» (23-сон) сарлаҳали мақолалар чоп этилган. Лекин қолган уч партия хусусида газета нимагадир жим. Ваҳоланки, Халқ демократик партиясининг вилоятда 12861 нафар аъзоси бўлиб, партия-нинг 482 та бошланғич ташки-лоти фаолиятда. 15 нафар халқ депутатлари вилоят кенгаши де-путати, 95 нафар туман ва ша-ҳар кенгаши депутатлари мав-жуд. «Фидокорлар» МДПнинг эса 2769 аъзоси айнан Жиззах ви-лоятидан. 9 нафар вилоят, 4 на-фар шаҳар, 20 нафар туман кен-гаши депутатлари бор. «Миллий тикланиш» ДПга вилоятдан 1654 киши аъзо бўлиб, уларнинг 27 нафари вилоят кенгаши депута-ти. «Адолат» СДПнинг эса 1200 аъзоси шу вилоятдан. Хўш, шун-дай экан, сиёсий партиялар ҳақида юқоридаги тарзда ёри-тиш талаб даражасидан анча ортда қолиш демакдир. Бундан ташқари таҳлиллар натижаси-дан шу нарса маълум бўлдики, мақолалар умумий ҳисобот тар-зидаги маълумотлар шаклида. Чоп этилган материалларнинг дeярили барчасида партиялар-нинг ўз-ўзини танқид руҳидаги ёндашуви кўзга ташланмайди. Биз бирор бир нашрни ёки сиёсий партияни танқид қилишдан йироқмиз. Лекин Фуқаролик жамияти сари да-дил одимлар эканмиз, сиё-сий фаол бўлиш, жамоатчи-лик билан алоқаларни мус-таҳкамлаш барчамизнинг ва-зифамиз эканлигини, бу ишда матбуот катта куч экан-лигини унутмаслигимиз зар-ур.

Баҳодир ҚУЙЧИЕВ,
ФЖУИ Жиззах филиали катта илмий ходими,
Гулжаҳон ЖАББОРОВА

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш жамоат фонди моддий қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият курилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаолиятини ошириш масалалари».

